

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ МД – 5А220102 – 2.02
2016 йил “ 9 ” 01



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “ 22 ” 01

ХАЛҚАРО ШАРХ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси:	220 000 – Журналистика ва ахборот
Мутахассислик:	5А220102 – Халқаро журналистика (фаолият турлари бўйича)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Қосимова Н. – ЎзДЖТУ журналистика факультети аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент.

Каримов А. – ЎзДЖТУ журналистика факультети аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.

Такризчилар:

Маматова Ё. – ЎзМУ журналистика факультети матбуот кафедраси мудири, филология фанлари доктори, доцент.

Бабаджанова Г. – Ўзбекистон Республикаси журналистларни қайта тайёрлаш марказининг директори, филология фанлари номзоди.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

“Халқаро шарҳ” фани бўйича ўқув курсини ўқитилишининг аҳамияти ва долзарблиги журналистика соҳасида таълим олаётган талабаларга мазкур жанрнинг оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти, унинг ўзига хос хусусиятлари, бошқа жанрлар билан муносабати, тарихи, бугунги аҳволи, келажаги, вазифа ва тамойиллари, тур ва жанрлари, тили ва услуби, аудиторияни ўрганиш, жаҳон босма ва электрон: газета, журнал, радио, телевидение, Интернетдаги халқаро шарҳ жанри спецификаси, шарҳловчининг маҳорати ҳақида кенг ва батафсил маълумот беришни қамраб олади.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад – халқаро шарҳ жанри тарихи ва газета, журнал, радио, телевидение ва Интернетда берилаётган тахлилий материалларни ўрганган ҳолда халқаро шарҳ жанрида ижод қилиш бўйича муайян тасаввур уйғотиш ва шакллантириш.

Қуйидаги вазифаларни амалга ошириш орқали фаннинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш назарда тутилган:

- талабаларга халқаро шарҳ жанрининг муайян вазифалари ҳақида билим бериш;
- халқаро шарҳ жанрида ёзиш маҳоратини ўргатиш;
- халқаро шарҳ жанрида журналистик маҳсулот тайёрлаш жараёнини ўзлаштириш;
- халқаро шарҳ жанрида матбуот, радио, ТВ, Интернетда ижод қила олишга ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Ушбу фанни ўзлаштирганидан сўнг талаба:

- назарий билимларни эгаллаган ҳолда мушоҳада юритиши;
- ОАВ фаолиятида сиёсий, мафкуравий, маданий плюрализмнинг ўта муҳимлигини тушунишларига кўмаклашиши;
- ахборот бозорининг изчил тараққий этиши жанрларда ўзгариш сезилганлиги;
- ахборот хуружлари авж олаётган пайтда халқаро шарҳга талаб ортганлиги *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- оммавий ахборот воситалари ичида радио шарҳининг тезкорлиги;
- телевидение шарҳининг таъсирчанлиги;
- газета шарҳининг батафсиллиги;
- интернетдаги шарҳларнинг кенг қамровга эгалиги ва интерактивлигини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- шарҳланаётган мавзуга чуқур кириб бориш зарурлиги;
- кенгқамровга эгалиги;
- фикрни шакллантиришдаги самарадорлиги ҳақида тугал маълумотга эга бўлиши:
- ОАВнинг ҳар бирида бериладиган шарҳларнинг ўзига хослиги, уларни ўзига хос спецификаси мавжудлиги;
- оғзаки нутқ, мусиқа, шовқин, монтаж уйғунлиги радиоэшиттириш ва телекўрсатув санъатида асосий омил эканлигига ишонч ҳосил қилиш ва амалда уларни бажара олиш **кўникмаларига эга бўлиши**;
- матбуотда халқаро ёза билиш;
- телевизион халқаро шарҳлар учун сценарий ёзиш;
- халқаро шарҳ жанрида радиомахсулот тайёрлаш;
- интернетдаги сайтлар учун мазкур жанрда ижод қила олиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Халқаро шарҳ” - мутахассислик фани ҳисобланади. Дастурни амалга ошириш жараёнида ўқув режасида режалаштирилган мутахассислик фанлари (халқаро босма ва электрон ОАВнинг замонавий тараққиёт тенденциялари, халқаро журналист фаолиятининг касбий-ахлоқий меъёрлари) фанларидан билим ва кўникмаларга эга бўлиш талаб этилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Оммавий ахборот воситаларининг жадал тараққий этиши, аудиториянинг чиқишларга бўлган талаби ва эҳтиёжи ўсганлиги натижасида соҳага янгича нуқтаи назар билан қараш кучайди. “Халқаро шарҳ” фани Ўзбекистон ва жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ҳолис муносабат билдиришда, чиқишлар орқали жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талаба “Халқаро шарҳ” фанини ўзлаштиришда таълимнинг инновацион усулларида фойдаланиши, ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги инфорацион - педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Фанни ўзлаштиришда ўқув-услубий таъминот – дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон манбалар, виртуал стендлар, дарс мазмунли ва фойдали бўлиши учун аудио ва видеотехникадан, интернетдан фойдаланиш тавсия этилади. Маъруза ва амалий машғулотларда турли метод ва воситалардан, хусусан ақлий ҳужум, кластер, амалий иш ва дидактик ўйинлардан фойдаланиш мумкин.

Асосий қисм

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Халқаро шарҳ жанрининг публицистик фаолиятда, жамият ҳаётида тутган ўрни ва вазифалари

Халқаро шарҳ жанрининг ҳуқуқий - демократик давлат ва фуқаролар жамияти қуришда тутган ўрни, мамлакат ўтмиши, бугунги куни ва келажак ҳақида ҳаққоний ва юқори савиядаги шарҳлар тайёрлаш лозимлиги тўғрисида. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов журналистнинг фаол позицияси ҳақида. ОАВ ва журналистлар фаолиятида халқаро шарҳ.

Халқаро шарҳ жанрининг муҳим воқеа-ходисалар ҳақида тезкорлик билан, чуқур, батафсил ахборот бериши ва уларга нисбатан аҳоли фикрини тўғри, холисона шакллантиришда тутган ўрни. Халқаро шарҳнинг ахборот тарқатиш, маданий-маънавий, интерактив, ташкилотчилик, маърифий, мафкуравий каби вазифалари. Халқаро шарҳ курсининг вазифалари ва бошқа жанрлар билан ўзаро боғлиқлиги.

Халқаро шарҳ жанрининг пайдо бўлиш тарихи

Газета, радио, телевидение ва интернет шарҳининг ўзига хос хусусиятларини тўрт нуқтаи назардан: амалга ошириш усулига, ифодавий воситаларга, ҳар бир каналнинг сифатига кўра, ахборотни истеъмол қилиш тарзи (аудитория)сига кўра тавсифлаш. Радио, телевидение шарҳининг спецификасини белгилашда тасвир ва товушнинг ҳал қилувчи роли,

тасвирий образи. Теле, радио шарҳлар, шарҳ жанрида битилган китоблар. Телевидение ва радио шарҳининг табиий, тасвирий, шакл яратувчи ифодавий воситалари: сўз (оғзаки нутқ), матн, мусиқа, шовкин, ҳужжатли ёзувлар (биринчи гуруҳ воситалар).

Халқаро шарҳ жанрининг оммавий ахборот воситалари тизимида тутган ўрни ва шарҳловчининг журналистик фаолияти

Телевидение, радио ва бошқа ОАВдаги халқаро шарҳ жанрининг умумийлик, ўхшашлик ва ўзига хослик томонлари. Радио ва телевидениеда журналистиканинг ўзига хос фаолият турлари. Халқаро шарҳловчи, аҳоли билан мунтазам мулоқотда бўладиган, аҳоли фикрини шакллантирувчи жамоат арбоби. Шарҳловчи, Бошловчи, модератор суҳбат олиб боровчи. Информацион дастур шарҳловчиси. Халқаро шарҳни тайёрлашда муҳаррир, режиссёр, оператор ва бошқа ижодкорларнинг тутган ўрни.

Матбуотда халқаро шарҳ жанри

Халқаро шарҳ жанрининг пайдо бўлиши ва жаҳон бўйлаб тарқалиши. Матбуотда халқаро шарҳларнинг тутган ўрни. Матбуотда халқаро шарҳ жанридаги чиқишларнинг хусусиятлари. Жаҳон матбуот нашрларида халқаро шарҳлар. Халқаро шарҳ усталари. Ижтимоий-сиёсий нашрларда халқаро шарҳлар. Маданий-маърифий нашрларда халқаро шарҳлар.

Телевидениеда халқаро шарҳ жанри

Аудиовизуал журналистиканинг ўзига хос хусусиятлари. Телевидениеда халқаро шарҳларнинг тутган ўрни ва аҳамияти. Телевидениеда халқаро шарҳ жанридаги чиқишларга қўйилаётган асосий талаблар. Жаҳон телевидениеларида халқаро шарҳлар. Таниқли телевизион халқаро шарҳ усталари. Ижтимоий-сиёсий кўрсатувларда халқаро шарҳлар. Си-Эн-Эн ва Евроньюс телеканалларида халқаро шарҳ. Эн-Би-Си, Си-Би-Эс, Эй-Би-Си ва “Первый канал”, НТВ, “Россия-24” телеканалларидаги тезкор, мавзуй ва превентив шарҳлар.

Радиода халқаро шарҳ жанри

Радиода халқаро шарҳларнинг тутган ўрни ва аҳамияти. Радиода халқаро шарҳ жанридаги чиқишларга қўйилаётган асосий талаблар. Жаҳон радиоканалларида халқаро шарҳлар. Таниқли халқаро ради шарҳ усталари. Ижтимоий-сиёсий мавзудаги халқаро шарҳлар. Си-Эн-Эн ва Евроньюс телеканалларида халқаро шарҳ. Халқаро радиоканалларидаги тезкор, мавзуй ва превентив шарҳлар.

Интернетда халқаро шарҳ жанри

Интернет журналистикасининг ўзига хос хусусиятлари. Интернетда халқаро шарҳларнинг тутган ўрни ва аҳамияти. Глобал тармоқда халқаро шарҳ жанридаги чиқишларга қўйилаётган асосий талаблар. Жаҳон веб-сайтларида халқаро шарҳлар. Таниқли блоггерларнинг халқаро шарҳлари. Миллий веб-сайтларда халқаро мавзудаги чиқишлар.

Халқаро шарҳ жанрининг турлари

Халқаро шарҳ жанрининг асосий турлари: ижтимоий - сиёсий эшиттириш; бадиий-драматик эшиттиришларга бўлиниши. Ҳар икки турнинг каналлардаги ўрнини ўрганиб чиқиш. Халқаро шарҳ жанри ҳақида умумий тушунча. Жанр конкрет ижодий вазифани бажариш учун муайян материални, жанрларнинг ўзаро алоқадорлиги муайян тизимини ташкил этиши.

Халқаро шарҳ жанрида материал тайёрлаш технологияси

Халқаро шарҳни тайёрлаш ҳақида маълумот. Электрон ОАВда халқаро шарҳни тайёрлаш тўғрисида. Тасвирга олиш ва овоз ёзиш студия ва аппаратхоналари. Монтажхонаси, ёзув тасмалари, ДАТ кассеталари, компакт дисклар ва уларни сақлаш хоналари. Репортер, диктофон (овоз ёзиш мосламаси), аудиокассета ва компакт дисклар. Техник маълумотлар. Овознинг ҳосил бўлиши ва узатиш. Микрофон. Гапиришга бўлган асосий талаблар, гапириш усуллари. Студия микрофонида гапириш ва овоз ёзиш муаммолари. Овоз тембри ва унинг инсон руҳиятига таъсири. Микрофон ва унинг турлари ҳақида маълумот. Динамикли, кондесаторли, тасмали, кўмирли ва бошқа турларидан фойдаланиш тартиби. Телекўрсатув, радиоэшиттириш тайёрлаш жараёни. Овоз, шовқин, мусиқани ёзиб олиш.

Магнит тасмалари. Интерактив усуллар. Сухбатдошни телефон орқали эфирга улаш.

Нодавлат ОАВда халқаро шарҳ жанри

Хориждаги давлат ва нодавлат телестудия ва радиоканаллар ҳақида маълумот. Нодавлат теле ва радиостанциялар дастурларини тарқатишда сунъий ер йўлдошлари ва кабелдан фойдаланиш. Нодавлат теле-, радиостанцияларнинг ҳуқуқий-фуқаролик жамиятини қуришдаги аҳамияти. Давлат ва нодавлат теле-радиоканалларда воқеликни акс эттиришдаги шарҳлар. Ўзбекистонда нодавлат теле-, радиоканаллар фаолиятида халқаро шарҳ жанрининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

Халқаро шарҳловчининг касб одоби масалалари

Журналист этикаси принциплари, журналист ахлоқ-одоби меъёрлари. “Журналист фаолияти принциплари Декларацияси” ҳақида маълумот. Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатлар ОАВ фаолиятида одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиш. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон”, “Пойтахт”, “Ёшлар” каналларида халқаро шарҳловчилар.

Семинар машғулотларининг тахминий рўйхати

- Шарҳ жанри шахсининг объектив муносабати сифатида.
- Халқаро шарҳ ва кузатув самарадорлиги
- Етакчи шарҳловчилар маҳорати
- Халқаро шарҳ учун ахборот манбалари
- Турли йўналишдаги нашрларда халқаро шарҳнинг сюжет-композицион тузилиши
- Шарҳловчининг эшиттириш ва кўрсатувлар таъсирчанлигини таъминлашдаги ўрни
- VIP- шахслар билан мулоқот олиб бориш хусусиятлари
- Халқаро шарҳ тайёрлаш технологияси
- Шарҳловчининг муаммоларни қўйиш маҳорати
- Шарҳловчи фаолиятида қутилмаган ҳолатлар ва унинг фавқулодда вазиятлардаги ўрни
- Халқаро Хатчинс Комиссиясининг ОАВ фаолиятига доир 5 бош критерийси

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича тавсиялар

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий машқлар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, таркатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим куйидаги шаклларда ташкил этилади:

- мавзуларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- илмий мақола ва тезисларни тайёрлаш
- фаннинг долзарб муаммоларини қамраб олувчи лойиҳалар тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- халқаро шарҳлар ёзиш;
- масофавий (дистанцион) таълим олиш.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаш талаба томонидан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий

билимини мустаҳкамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзуни пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Халқаро шарҳ самарадорлигини таъминловчи омиллар
2. Халқаро шарҳда расмий ва норасмий манбалар билан ишлаш
3. Турли типдаги нашрларда чоп этиладиган халқаро шарҳнинг композицион қурилиши
4. Ўзбекистондаги етакчи ОАВдаги халқаро шарҳлар таҳлили
5. Интернет сайтлардаги шарҳлар таҳлили
6. Россия матбуотидаги халқаро шарҳлар
7. Хориж матбуотидаги халқаро шарҳлар таҳлили
8. Шарҳ тайёрлаш методикаси, муаллиф фикри ва жамоат билан мулоқот олиб бориш услуби

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида

- халқаро шарҳ ва унинг таркиби бўлимига тегишли маъруза ва дарсларида модуль тизимида асосланган электрон мажмуадан;
- амалий машғулотларда, хусусун журналистик фаолиятда стандартлар ва соҳанинг амалий жиҳатларини ўрганишда таълим технологияларидан, телевизион ва радиосценарийлардан;
- миллий ҳамда хорижий ОАВ амалиётига тегишли дарс машғулотларида таълимнинг бошқа методларидан фойдаланиш назарда тутилган.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Нурматов А., Тўхлиева Н. Шархлаш журналистикаси, Т.: “Баёз”, 2013.
2. Тертычный А.А. Расследовательская журналистика. М.: 2002.
3. Гаймакова Б.Д., Макарова С.К., Новикова В.И., Осеевская М.П. Мастерство эфирного выступления. М.: 2004.
4. Шум Ю. и др. Журналистское расследование. М.: 2002.
5. Поберезникова Е.В. Телевидение взаимодействия интерактивное поле общения. М.: 2004.

Қўшимча адабиётлар:

1. Кузнецов Г.В. Так работают журналисты ТВ. М.: “Аспект Пресс”, 2004.
2. Смирнов В.В. “Жанры радиожурналистики”. Учебное пособие . М. Аспект-Пресс, 2004.
3. Цвик В.Л. Телевизионная журналистика, М.: “Аспект Пресс” 2004.
4. Шестеркина Л.П., Николаева Т.Д. Методика телевизионной журналистики, М.: “Аспект Пресс”, 2012.
5. Муминова Ф.И. Международная журналистика: теория и практика. Т., 2006.
6. Луғат журналистика. Реклама. Паблик рилейшнз. Маълумотнома. Т., “Зарқалам”

Интернет сайтлари:

1. vitaweb.jino-net.ru
2. www.journalism.ru
3. www.mediasprut.ru/public/internet - Авторские публикации
4. www.citforum.ru
5. www.case.nnov.ru
6. www.hi-edu.ru
7. www.opennet.ru
8. www.telemultimedia.ru

